5	Миришкор МФЙдаги 3 км қисmini асфалтлаш	Миришкор	2022 йил	км		3					1 650,0	1 650,0			1 650,0	ички йўллар
6	"Маллаховуз" МФЙга 3,1 км шағаллаштириш	Маллаховуз	2022 йил	км		3,1					465,0	465,0			465,0	ички йўллар
7	Эшабод МФЙдаги Қорасув-2, Қорасув-3 кўчаларига 2 км шағаллаштириш	Эшабод	2022 йил	км		2					300,0	300,0			300,0	ички йўллар
8	Курама МФЙга 2,2 км шағаллаштириш	Курама	2022 йил	км		2					300,0	300,0			300,0	ички йўллар
4	Ичимлик суви таъминоти					8,1					3 035,0	3 035,0			3 035,0	
1	"Маллаховуз" МФЙга 3,1 км ичимлик суви тармоғи тортиш.	Маллаховуз	2022 йил	км		3,1					825,0	825,0			825,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Шамсиқўл МФЙ худудида сув иншооти мавжуд эмас ва 1 км масофада ичимлик суви тармоғи тортилмаган	Шамсиқўл	2022 йил	км		1					1 080,0	1 080,0			1 080,0	Ичимлик суви таъминоти

3	Эшабод МФЙдаги Қорасув-2, Қорасув-3 кўчаларига 2 км ичимлик суви тармоғи тортиш	Эшабод	2022 йил	км		2					530,0	530,0			530,0	Ичимлик суви таъминоти
4	Курама МФЙга 2,2 км тоза ичимлик сув тармоғи тортиш	Курама	2022 йил	км		2					600,0	600,0			600,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Электр энергияси таъминоти					3,0					540,0	540,0			540,0	
1	Тепакўрғон МФЙ, Тошлок кўчасида 1,5 км электр тармоғи тортиш.	Тепакўрғон	2022 йил	км		1,5					150,0	150,0			150,0	Электр энергияси таъминоти
2	Анжирзор МФЙ, Анжирзор, Тегирмон-1, Тегирмон-2, Хунарманд кўчалари 1,5 км масофадаги электр бетон таянчларини ўрнатиш, 2 дона Трансформатор ўрнатиш.	Анжирзор	2022 йил	км		1,5					390,0	390,0			390,0	Электр энергияси таъминоти
1	Бошқалар					85,0					450,0	450,0			450,0	
1	Урганжи МФЙ, Чаманзор кўчасига 85 дона ёриткич чирокларни ўрнатиш.	Урганжи	2022 йил	дона		85					450,0	450,0			450,0	Бошқалар
14	Норин тумани					52,1	1,0				11 482,0	11 482,0			11 482,0	
10	Ички йўллар					16,6					10 090,0	10 090,0			10 090,0	
2	Ичимлик суви таъминоти					5,5					1 210,0	1 210,0			1 210,0	
	Оқова сув таъминоти															
2	Электр энергияси таъминоти					30,0	1,0				182,0	182,0			182,0	
	Газ таъминоти															
	Умумтаълим мактаблари															
	Мактабгача таълим ташкилоти															
	Спорт объектлари															
	МФЙ идоралари															
	Бошқалар															
	Жумладан,															
10	Ички йўллар					16,6					10 090,0	10 090,0			10 090,0	
1	Дўстлик МФЙ А.Авлоний кўчасида 1 км масофада асфальтлаш ишларини амалга ошириш.	Дўстлик	2022 йил	км		1,0					600,0	600,0			600,0	ички йўллар
2	Зарбдор МФЙ худудида 2,5 км масофадаги ички йўлни асфальтлаш .	Зарбдор	2022 йил	км		2,5					1 500,0	1 500,0			1 500,0	ички йўллар
3	Бўстон МФЙда Увайсий кўчаси 1,0 км асфальтлаш	Бўстон	2022 йил	км		1					550,0	550,0			550,0	ички йўллар
4	Навой МФЙ Навой кўчаси 0,8 км хамла Тўқимачи кўчаси 1,2 км худудидаги ички йўлларни асфальтлаш.	Навой номли	2022 йил	км		2					1 200,0	1 200,0			1 200,0	ички йўллар

5	Яйдоқ МФЙнинг Жасорат, Шарқ юлдузи ва Муқомий номи кўчаларининг 2 км қисми ички кўчаларини асфалтлаш.	Яйдоқ	2022 йил	км		2					1 200,0	1 200,0			1 200,0	ички йўллар
6	Ўзбекистон МФЙ ҳудудида С.Айний ва С.Адашев кўчаларининг 1,6 км қисми асфалтлаш.	Ўзбекистон	2022 йил	км		1,6					960,0	960,0			960,0	ички йўллар
7	Фуркат МФЙ ҳудудида жойлашган "Фуркат", "Олмос", "Улғубек" кўчаларининг 2 км қисми бетон қоплама ётқизиш.	Фуркат	2022 йил	км		2					1 500,0	1 500,0			1 500,0	ички йўллар
8	Мирсултончек МФЙ Олтин водий кўчасини 1 км узунликдаги йўллари асфалтлаш.	Мирсултончек	2022 йил	км		1					600,0	600,0			600,0	ички йўллар
9	Катта яйдоқ МФЙ Мелибоев кўчасини 2,4 км узунликдаги йўллари асфалтлаш.	Катта яйдоқ МФЙ	2022 йил	км		2,4					1 320,0	1 320,0			1 320,0	ички йўллар
10	Навроз кўчасининг 0,8 км масофасини асфалтлаш ва Подшолик кўчасининг 0,3 км масофасини шағаллаш.	Қоратери	2022 йил	км		1,1					660,0	660,0			660,0	ички йўллар
2	Ичимлик суви таъминоти					5,5					1 210,0	1 210,0			1 210,0	
1	Сузаковул МФЙ ҳудудидаги Бустон куча, Тошқургон кўчаларидаги тортилган ичимлик суви тармоғининг 4 километр қисмини янгилаш.	Сузаковул	2022 йил	км		4					1 060,0	1 060,0			1 060,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Қоратери МФЙга 1,5 км сув тармоғи тортилган бўлиб асосий сув тармоғига улаш.	Қоратери	2022 йил	км		1,5					150,0	150,0			150,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Электр энергияси таъминоти					30,0	1,0				182,0	182,0			182,0	
1	Катта Яйдоқ МФЙдаги Гофур Гулом кўчасига 1 та 400 кВАлик трансформатор ўрнатиш.	Катта Яйдоқ	2022 йил	дона			1				140,0	140,0			140,0	Электр энергияси таъминоти
2	Бўз ўлмас МФЙ А.Темур ва Тинчлик кўчаларидаги 120 дан ортқ хонадонларга хизмат кўрсатиш учун 30 дона янги битон симёғоч ўрнатиш.	Бўзўлмас	2022 йил	дона		30					42,0	42,0			42,0	Электр энергияси таъминоти
12	Поп тумани					18,4		12,7			11 674,0	11 674,0			11 674,0	
8	Ички йўллар					17,8		4,0			10 275,0	10 275,0			10 275,0	
1	Ичимлик суви таъминоти							3,5			1 195,0	1 195,0			1 195,0	
	Оқава сув таъминоти															

3	Электр энергияси таъминоти					0,6		5,2			204,0	204,0			204,0	
	Газ таъминоти															
	Умумтаълим мактаблари															
	Мактабгача таълим ташкилоти															
	Спорт объектлари															
	Бошқалар															
	<i>Жумладан,</i>															
8	Ички йўллар					17,8		4,0			10 275,0	10 275,0			10 275,0	
1	А.Қаххор МФЙ 2,8 км асфалтлаш.	А.Қаххор	2022 йил	км		2,8					2 100,0	2 100,0			2 100,0	ички йўллар
2	Кенагас МФЙ жами 4 км ички йўлларини шағаллаштириш. Боғ кўча 600 м, Гузар кўча 1,2 км, Истиклол кўча 800 м, Ёшлар кўча 800 м, Бунёдкор кўча 300 м, Наврўз кўча 300 метр	Кенагас	2022 йил	км				4			600,0	600,0			600,0	ички йўллар
3	Юқори Хонобод МФЙ худудида 3,5 км йўлни шағаллаштириш	Юқори Хонобод МФЙ	2022 йил	км		3,5					525,0	525,0			525,0	ички йўллар
4	Пахтакор МФЙдаги 2,5 км йўлни асфалтлаш.	Пахтакор МФЙ	2022 йил	км		2,5					1 500,0	1 500,0			1 500,0	ички йўллар
5	Янгиобод МФЙда 3 км йўлни цемент-бетон қоплама ётқизиш.	Янгиобод	2022 йил	км		3					2 250,0	2 250,0			2 250,0	ички йўллар
6	Гузар МФЙда 1,0 км йўлни асфалтлаш	Гузар	2022 йил	км		1					550,0	550,0			550,0	ички йўллар
7	Бирлашган МФЙда 3 км йўлни асфалтлаш	Бирлашган	2022 йил	км		3					1 650,0	1 650,0			1 650,0	
8	Чодак боши МФЙда 2 км ички йўллари асфалтлаш	Чодак боши	2022 йил	км		2					1 100,0	1 100,0			1 100,0	ички йўллар
1	<i>Ичимлик суви таъминоти</i>							3,5			1 195,0	1 195,0			1 195,0	
1	Юқори Хонобод МФЙ да жойлашган қурилиши тугалланмаган сув иншоотини мукамал таъмирлаш, қушимча насос ўрнатиш ва янги 3,5 км сув тармоғи тортиш	Юқори Хонобод	2022 йил	км				3,5			1 195,0	1 195,0			1 195,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Электр энергияси таъминоти					0,6		5,2			204,0	204,0			204,0	
1	Ўрта Марғизор МФЙда 1,24 км янги электр тармоғини қуриш ва 1 дона ТПни мукамал таъмирлаш.	Ўрта Марғизор	2022 йил	км		0,6					78,0	78,0			78,0	Электр энергияси таъминоти
2	Исковут МФЙда 2,5 км тармокни мукамал таъмирлаш ва 1 дона ТП қуватини ошириш	Исковут	2022 йил	дона				2,5			78,0	78,0			78,0	Электр энергияси таъминоти

3	Янги Туда МФЙ худудида 0,53 км янги тармок куриш 2,7 км трансформатор пунктни мукамал таъмирлаш	Янги тўда	2022 йил	км				2,7			48,0	48,0		48,0	Электр энергияси таъминоти
24	Тўрақўрғон тумани					60,4	1,2	8,5			15 825,0	15 825,0		15 825,0	
14	Ички йўллар					7,4		8,5			7 345,0	7 345,0		7 345,0	
5	Ичимлик суви таъминоти					20,0					7 700,0	7 700,0		7 700,0	
	Оқава сув таъминоти														
5	Электр энергияси таъминоти					33,0	1,2				780,0	780,0		780,0	
	Газ таъминоти														
	Умумтаълим мактаблари														
	Мактабгача таълим ташкилоти														
	Спорт объектлари														
	МФЙ идоралари														
	Бошқалар														
	Жумладан,														
14	Ички йўллар					7,4		8,5			7 345,0	7 345,0		7 345,0	
1	Бордимқўл МФЙдаги Қўриқ кўчаси 1 км асфальтлаш лозим.	Бордимқўл	2022 йил	км				1			550,0	550,0		550,0	ички йўллар
2	Мозорқўхна МФЙ Ойбек кўчасини 700 метр йўлини асфальтлаш	Мозорқўхна	2022 йил	км		0,7					385,0	385,0		385,0	ички йўллар
3	Ўзбекистон МФЙда Ўзбекистон кўчасида 400 метр йўлини асфальтлаш лозим.	Ўзбекистон	2022 йил	км		0,4					220,0	220,0		220,0	ички йўллар
4	Паст найманча МФЙ худудига 1 км йўлини бетон қопламали ётқизиш.	Паст Найманча	2022 йил	км				1			750,0	750,0		750,0	ички йўллар
5	Иброт МФЙ Дўстлик ва Тинчликсевар кўчаларини 1,5 км йўлини асфальтлаш	Иброт	2022 йил	км				1,5			825,0	825,0		825,0	ички йўллар
6	Еттикон МФЙ даги Гўзалобод кўчасини 2,0 км йўлини асфальтлаш	Еттикон	2022 йил	км				2			1 100,0	1 100,0		1 100,0	ички йўллар
7	Мажнунтол МФЙ Мажнунтол кўчаси худудини 1 км масофада асфальтлаштириш	Мажнунтол	2022 йил	км				1			550,0	550,0		550,0	ички йўллар
8	Темирқишлоқ МФЙ худудидagi Арчазор, Темирқишлоқ ва Шарқ кўчаларини жами 2 км шағаллаштириш	Темирқишлоқ	2022 йил	км				2			300,0	300,0		300,0	ички йўллар
9	Тепа Найманча МФЙ Гавхар кўчасини 400 метр йўлини асфальтлаш	Тепа Найманча	2022 йил	км		0,4					220,0	220,0		220,0	ички йўллар

10	Ахси МФЙ боғ кўчасини 700 метр йўлини асфальтлаштириш	Ахси МФЙ	2022 йил	км		0,7					385,0	385,0			385,0	ички йўллар
11	Поросмон МФЙ худудини 2,2 км йўлини асфальтлаштириш	Поросмон	2022 йил	км		2,2					1 210,0	1 210,0			1 210,0	ички йўллар
12	Обод МФЙ Мустақиллик кўчасини 1 км йўлини асфальтлаштириш	Обод	2022 йил	км		1					550,0	550,0			550,0	ички йўллар
13	Ўртақишлоқ МФЙга 1 км йўлни шағаллаштириш	Ўртақишлоқ	2022 йил	км		1					150,0	150,0			150,0	ички йўллар
14	Катта Курама МФЙга 1 км йўлни шағаллаштириш	Катта-курама	2022 йил	км		1					150,0	150,0			150,0	ички йўллар
5	Ичимлик суви таъминоти					20,0					7 700,0	7 700,0			7 700,0	
1	Гулқишлоқ МФЙга қудук қазииш ва сув минора иншооти ўрнатиш керак.	Гулқишлоқ	2022 йил	дона		1					800,0	800,0			800,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Файзиобод МФЙга бир дона янги Сув минораси ўрнатиш ва тармон тортиш.	Файзиобод	2022 йил	дона		1					1 500,0	1 500,0			1 500,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Тепа Найманча ичимлик суви тармоқларини тортиш	Тепа Найманча	2022 йил	км		6					1 800,0	1 800,0			1 800,0	Ичимлик суви таъминоти
4	Ўртақишлоқ МФЙга 6 км янги тармоқ тортиш	Ўрта қишлоқ	2022 йил	км		6					1 800,0	1 800,0			1 800,0	Ичимлик суви таъминоти
5	Катта Курама МФЙга 6 км янги тармоқ тортиш	Катта-курама	2022 йил	км		6					1 800,0	1 800,0			1 800,0	Ичимлик суви таъминоти
5	Электр энергияси таъминоти					33,0	1,2				780,0	780,0			780,0	
1	Гулқишлоқ МФЙдаги 1,2 км электр тармоғини таъмирлаш керак.	Гулқишлоқ	2022 йил	км			1,2				140,0	140,0			140,0	Электр энергияси таъминоти
2	Калвак МФЙ худудига 1 та трансформатор ва 330 метр янги тармоқ қуриш.	Калвак	2022 йил	дона		2					140,0	140,0			140,0	Электр энергияси таъминоти
3	Бахт МФЙ 2 км тармоқ ва 1 дона трансформатор янги қуриш	Бахт	2022 йил	дона		1/2км					210,0	210,0			210,0	Электр энергияси таъминоти
4	Бекобод МФЙга 1 дона ТП 30 дона бетон устулар ўрнатиш ва тармоқ тортиш.	Бекобод	2022 йил	дона		1					140,0	140,0			140,0	Электр энергияси таъминоти
5	Файзаобод МФЙга 1,25 км реконструкция қилиш 1 дона ТП 30 дона бетон устулар ўрнатиш ва тармоқ тортиш.	Файзиобод	2022 йил	дона		30					150,0	150,0			150,0	Электр энергияси таъминоти
16	Уйчи тумани					36,3					12 407,0	12 407,0			12 407,0	
	<i>шу жумладан:</i>															
4	Ички йўллар					12,5					8 000,0	8 000,0			8 000,0	
5	Ичимлик суви таъминоти					12,9					3 588,0	3 588,0			3 588,0	

	Оқова сув таъминоти																
7	Электр энергияси таъминоти					10,9					819,0	819,0				819,0	
	Газ таъминоти																
	Умумтаълим мактаблари																
	Мактабсача таълим таъминоти																
	Спорт объектлари																
	МФЙ идоралари																
	Бошқалар																
	шундан:																
5	Ичимлик суви таъминоти					12,9					3 588,0	3 588,0				3 588,0	
1	Янги хаёт МФЙдаги худуддаги 4000 п/м д-160 мм ичимлик суви тармоғини тортиш ҳамда насос агрегатини ўрнатиш.	Янгихаёт	2022 йил	км		4					2 300,0	2 300,0				2 300,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Обод МФЙ худудда жойлашган А.Темур кўчасига 1,5 км ичимлик суви тармоғи тортиш.	Обод	2022 йил	км		5,9					397,5	397,5				397,5	Ичимлик суви таъминоти
3	Қўрғонча МФЙ худуддаги Фарход кўчасидаги 1 км ичимлик суви тармоғини тортиш.	Қўрғонча	2022 йил	км		1					265	265				265	Ичимлик суви таъминоти
4	Иттифок МФЙ худуддаги "Ғайрат обихаёт" НТТ сув тармоғига 1 км улаш орқали Бештом кўча аҳолиси тоза ичимлик суви тармоғи қуриш	Иттифок МФЙ	2022 йил	км		1					228	228				228	Ичимлик суви таъминоти
5	Қумтепа МФЙдаги Ғўзал кўчасида 1,5 км ичимлик сув тармоғини тортиш.	Қумтепа МФЙ	2022 йил	км		1					397,5	397,5				397,5	Ичимлик суви таъминоти
7	Электр энергияси таъминоти					10,9					819,0	819,0				819,0	
1	Қўхнур, Ёр кўчаларига 15 та темир бетон таянчлари ўрнатиш ҳамда 0,5 км масофага электр тармоғини янгилаш керак.	Боягон	2022 йил	дона		1					140,0	140,0				140,0	Электр энергияси таъминоти
2	Дехканобод МФЙдаги 1 км хаво тармоғини мукамал таъмирлаш	Дехканобод	2022 йил	км		1,5					100,0	100,0				100,0	Электр энергияси таъминоти
3	Дўстлик МФЙдаги худудига 1,7 км хаво тармоғини мукамал таъмирлаш	Дўстлик	2022 йил	км		3,1					210,0	210,0				210,0	Электр энергияси таъминоти
4	Иттифок МФЙ худуддаги 2,7 км хаво тармоғини мукамал таъмирлаш	Иттифок	2022 йил	км		2,7					170,0	170,0				170,0	Электр энергияси таъминоти

5	Ёркатай "Истиклол" кўчасида 1,3 км хаво тармоғини мукаммал таъмирлаш	Ёркатай	2022 йил	км		0,9					80,0	80,0		80,0	Электр энергияси таъминоти
6	Дехкон МФЙдаги Новвой кўчасидаги 0,5 км электр узатиш тармоғини мукаммал таъмирлаш	Дехкон	2022 йил	км		0,5					35,0	35,0		35,0	Электр энергияси таъминоти
7	Истиклол МФЙ ҳудудида жойлашган Янгийўл кўчасига 1,2 км тармоқни янгилаш.	Истиклол МФЙ	2022 йил	км		1,2					84	84		84	Электр-энергия таъминоти
4	Ички йўллар					12,5					8000	8000		8000	
1	Қўрғонча МФЙдаги 5 та кўчасини жами 4,5 км ички йўлларини асфалтлаш.	Қўрғонча МФЙ	2022 йил	км		4,5					2700	2700		2700	ички йўллар
2	Гулбоғ МФЙдаги 1 та кўчани 1 км. асфаллаш	Гулбоғ МФЙ	2022 йил	км		1					600,0	600,0		600,0	ички йўллар
3	Шифокор МФЙ ҳудудида жами 2 км ички йўлларни бетонлаш	Шифокор	2022 йил	км		2					1700	1700		1700	ички йўллар
4	Қувурбоши МФЙда жойлашган "Мусаффо" (2300 метр), ва "Қувурбоши" (1700 метр) "Бархаёт" (1000 метр) кўчаларида 5000 метр ички йўлларни асфалтлаш.	Қувурбоши МФЙ	2022	км		5					3000	3000		3000	ички йўллар
22	Учкўрғон тумани					25,0		55,0			14 465,0	14 465,0		14 465,0	
8	Ички йўллар					14,6		3,0			6 395,0	6 395,0		6 395,0	
6	Ичимлик суви таъминоти					10,4		3,0			4 020,0	4 020,0		4 020,0	
	Окава сув таъминоти														
4	Электр энергияси таъминоти							4,0			620,0	620,0		620,0	
	Газ таъминоти														
	Умумтаълим мактаблари														
1	Мактабгача таълим ташкилоти							1,0			1 650,0	1 650,0		1 650,0	
	Спорт объектлари														
	МФЙ идоралари														
3,0	Бошқалар							44,0			1 780,0	1 780,0		1 780,0	
	Жумладан,														
8	Ички йўллар					14,6		3,0			6 395,0	6 395,0		6 395,0	
1	"Янгийер" МФЙдаги Саноат кўчасини 1,3 км. ички йўлларни асфалтлаш.	Боғ-кўча	2022 йил	км		1,3					780,0	780,0		780,0	ички йўллар
2	Намуна МФЙ ҳудудига 2,6 км шағаллаштириш	Намуна	2022 йил	км		2,6					780,0	780,0		780,0	ички йўллар
3	Гулистон МФЙдаги Тараққиёт кўчасида 0,89 км ва Лолазор кўчасида 1,8 км жами 2,7 км шағаллаштириш	Гулистон	2022 йил	км		2,7					810,0	810,0		810,0	ички йўллар
4	Учкўприк МФЙ да 1 км шағаллаштириш	Учкўприк	2022 йил	км		1					300,0	300,0		300,0	ички йўллар

5	Туркистон маҳалла фуқаролар йиғинида 3 км шағаллаштириш	Туркистон	2022 йил	км				3			900,0	900,0		900,0	ички йўллар
6	Фаровон МФЙ даги 2 км шағаллаштириш	Фаргона	2022 йил	км		2					600,0	600,0		600,0	ички йўллар
7	Мустакиллик МФЙ да 2,1 км шағаллаштириш	Мустакиллик	2022 йил	км		2,1					630,0	630,0		630,0	ички йўллар
8	Ўзун кўча МФЙ 2,9 асфальтлаштириш	Ўзун кўча	2022 йил	км		2,9					1 595,0	1 595,0		1 595,0	
6	Ичимлик суви таъминоти					10,4		3,0			4 020,0	4 020,0		4 020,0	
1	Намуна МФЙ ҳудудига 2,6 км масофага ичимлик суви тармоғи тортиш аҳолига улаш	Намуна	2022 йил	км		2,6					780,0	780,0		780,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Гулистон МФЙдаги Тараққиёт кўчасида 0,89 км ва Лолазор кўчасида 1,8 км жами 2,7 км ичимлик суви тармоғи тортиш аҳолига улаш.	Гулистон	2022 йил	км		2,7					810,0	810,0		810,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Учкўприк МФЙ да 1 км ичимлик суви тармоғини тортиш аҳолига улаш.	Учкўприк	2022 йил	км		1					300,0	300,0		300,0	Ичимлик суви таъминоти
4	Туркистон маҳалла фуқаролар йиғинида 3 км ичимлик суви тармоғи тортиш аҳолига улаш.	Туркистон	2022 йил	км				3			900,0	900,0		900,0	Ичимлик суви таъминоти
5	Фаровон МФЙ даги 2 км ичимлик суви тармоғини тортиш аҳолига улаш.	Фаргона	2022 йил	км		2					600,0	600,0		600,0	Ичимлик суви таъминоти
6	Мустакиллик МФЙ да 2,1 км ичимлик суви тармоқларини тортиш аҳолига улаш.	Мустакиллик	2022 йил	км		2,1					630,0	630,0		630,0	Ичимлик суви таъминоти
4	Электр энергияси таъминоти							4,0			620,0	620,0		620,0	
1	Ўрдабоғ МФЙ маҳалласи ҳудудида 1 км электр тармоғини мукамал таъмирлаш	Ўрдабоғ	2022 йил	км				1			70,0	70,0		70,0	Электр энергияси таъминоти
2	Гулистон МФЙдаги А.Навоний кўчасига янги 1 дона трансформатор ўрнатиш.	Гулистон	2022 йил	дона				1			120,0	120,0		120,0	Электр энергияси таъминоти
3	Қурама МФЙдаги 2 км электр тармоқни мукамал таъмирлаш	Қурама	2022 йил	км				2			150,0	150,0		150,0	Электр энергияси таъминоти
4	Маданият МФЙдаги 57 та эски сим ёғочлар ўрнини янги бетон таянчига алмаштириш	Маданият	2022 йил	дона					57		280,0	280,0		280,0	Электр энергияси таъминоти
1	Мактабгача таълим ташкилоти					140,0		1,0			1 650,0	1 650,0		1 650,0	
1	Ўрдабоғ МФЙ ҳудудидаги 120 ўринли 21-мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш	Ўрдабоғ	2022 йил	дона		140		1			1 650,0	1 650,0		1 650,0	Мактабгача таълим ташкилоти
3	Бошқалар							44,0			1 780,0	1 780,0		1 780,0	

1	“Саноат” МФЙ даги кўп қаватли уйнинг том қисмини замонавий тунука томга алмаштириш.	Саноат	2022 йил	дона				1			300,0	300,0		300,0	Бошқалар
2	Қўғай МФЙ 5 та кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш	Қўғай	2022 йил	дона				5			700,0	700,0		700,0	Бошқалар
3	Ёрқинхаёт Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 37-38-сонли кўп қаватли уйларни том қисмини мукаммал таъмирлаш, фасад қисмини бўяш ва умумий хожатхона қуриш.	Ёрқинхаёт	2022 йил	дона				38			780,0	780,0		780,0	Бошқалар
15	Чортоқ тумани						14,3	24,6			12 054,0	12 054,0		12 054,0	
11	Ички йўллар						3,5	22,2			9 040,0	9 040,0		9 040,0	
3	Ичимлик суви таъминоти						8,0	2,4			2 889,0	2 889,0		2 889,0	
	Оқава сув таъминоти														
1	Электр энергияси таъминоти						2,8				125,0	125,0		125,0	
	Газ таъминоти														
	Умумтаълим мактаблари														
	Мактабгача таълим ташкилоти														
	Спорт объектлари														
	МФЙ идоралари														
	Бошқалар														
	Жумладан,														
11	Ички йўллар						3,5	22,2			9 040,0	9 040,0		9 040,0	
1	Юқсалиш МФЙ 1,0 км ички йўлларни асфалтлаш, 0,5 бетонлаш.	Юқсалиш МФЙ	2022 йил	км				1,5			925,0	925,0		925,0	ички йўллар
2	Арбағиш МФЙ 3,0 км ички йўлларни асфалтлаш.	Арбағиш МФЙ	2022 йил	км				3			1 650,0	1 650,0		1 650,0	ички йўллар
3	Тинчлик МФЙда 1,1 км ички йўлларни асфалтлаш, 1,3 км. шағаллаш.	Тинчлик	2022 йил	км				2,4			745,0	745,0		745,0	ички йўллар
4	Наврўз МФЙда 0,8 км масофадаги ички йўлларни асфалтлаш.	Наврўз МФЙ	2022 йил	км				0,8			440,0	440,0		440,0	ички йўллар
5	Бағрикенглик МФЙ Гулистон массиви 1,2 км. йўлларни асфалтлаш	Бағрикенглик МФЙ	2022 йил	км				1,2			660,0	660,0		660,0	ички йўллар
6	Болдомзор 1-2-кўчалардаги 3,5 км шағаллаш.	Сохибқор МФЙ	2022 йил	км			3,5				525,0	525,0		525,0	ички йўллар
7	«Сарқор» МФЙдаги Р.Ортиқов, Чорвадор, Р.Низамов кўчаларига 4,5 км қисмини шағаллаш.	Сарқор МФЙ	2022 йил	км				4,5			675,0	675,0		675,0	ички йўллар

8	Ўзбекистон МФЙ 1,0 км ички йўллари асфалтлаш, 0,5 км. бетонлаш.	Ўзбекистон МФЙ	2022 йил	км			1,5				925,0	925,0			925,0	ички йўллар
9	Юртдош кўчасини 0,5 км қисмини асфалтлаш, 0,5 км. бетонлаш	Ҳазратишох МФЙ	2022 йил	км			1				650,0	650,0			650,0	ички йўллар
10	Бозорбоши МФЙ 4,3 км ички йўллари шағаллаштириш.	Бозорбоши МФЙ	2022 йил	км			4,3				645,0	645,0			645,0	ички йўллар
11	Комиллик МФЙ кўчалари (кўлобод) 1,5 км қисмини асфалтлаш, 0,5 бетонлаш.	Комиллик МФЙ	2022 йил	км			2				1 200,0	1 200,0			1 200,0	ички йўллар
3	Ичимлик суви таъминоти					8,0	2,4				2 889,0	2 889,0			2 889,0	
1	«Саркор» МФЙдаги Р.Ортиков, Чорвадор, Р.Низамов кўчаларига 4,5 км тоза ичимлик суви тармоғини тортиш.	Саркор МФЙ	2022 йил	км		4,5					1 250,0	1 250,0			1 250,0	Ичимлик суви таъминоти
2	«Тинчлик» МФЙ Ф. Ҳўжаев, Р.Меҳмонов ва Узумзор кўчаларидаги эскирган 2,4 км тоза ичимлик суви тармоғи янгилаш.	Тинчлик МФЙ	2022 йил	км			2,4				667,0	667,0			667,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Бодомзор 1-2- кўчалардаги 3,5 км ичимлик суви билан таъминлаш.	Сохибкор МФЙ	2022 йил	км		3,5					972,0	972,0			972,0	Ичимлик суви таъминоти
1	Электр энергияси таъминоти					2,8					125,0	125,0			125,0	
1	Маҳалладаги Қўхинур ва К.Бехзод кўчаларида 2,08 км. тармоқ тортиш.	Ўрикзор	2022 йил	дона		2,8					125,0	125,0			125,0	Электр энергияси таъминоти
18	Чуст тумани					16,2	6,8	3,0	28,6	29,0	16 265,7	16 265,7			16 265,7	
	шу жумладан:															
8	Ички йўллар					3,9		1,0	28,6		6 630,0	6 630,0			6 630,0	
5	Ичимлик суви таъминоти					11,0	6,0	1,0			7 235,7	7 235,7			7 235,7	
	Оқова сув таъминоти															
4	Электр энергияси таъминоти					1,3	0,8			29,0	640,0	640,0			640,0	
	Газ таъминоти															
	Умумтаълим мактаблари															
1	Мактабгача таълим таъкилотлари							1			1 760	1 760			1 760	
	Спорт объектлари															
	МФЙ идоралари															
	Бошқалар															
	шундан:															

8	Ички йўллар					3,9		1	28,6		6 630,0	6630			6630	
1	Шувар МФЙдаги ушбу маҳаллада 3 км шағаллаш ишларини амалга ошириш	Шувар	2022 йил	км				1	3		450,0	450,0			450,0	ички йўллар
2	Қайрма МФЙ ҳудудида 2,0 км шағаллаш ишларини амалга ошириш	Қайрма	2022 йил	км					2		300,0	300,0			300,0	ички йўллар
3	Хисорак МФЙ ҳудудида 6 км шағаллаш ишларини амалга ошириш	Хисорак	2022 йил	км					6		900,0	900,0			900,0	ички йўллар
4	Тоймас МФЙда 2,5 км асфальтлаш ишларини амалга ошириш	Тоймас	2022 йил	км		2,5					1 500,00	1 500,00			1 500,00	ички йўллар
5	Майдон МФЙ Обиравон кўчаси 1,5 км, Шағаласун кўчаси 4 км, Лабисой кўчаси 1 км жами 7,5 км ички йўлларни шағаллаштириш.	Майдон	2022 йил	км					6,5		975,0	975,0			975,0	ички йўллар
6	Дам МФЙ Жайдок-1 кўчаси 1,2 км, Жайдок-2 кўчаси 0,3 км, Иттифок кўчаси 1,3 км, Навкирон кўчаси 1,8 км, Қўқон кўчаси 1,6 км ва Юқори кўча 2,4 км ички йўлларини шағаллаштириш	Дам	2022 йил	км					8,6		1 290,0	1 290,0			1 290,0	ички йўллар
7	Тепақўргон мфйдаги 1,4 км ички йўлларини асфальтлаш	Тепақўргон	2022	км		1,4					840	840			840	ички йўллар
8	Қалъан Поён МФЙ 2,5 км ички йўлларни шағаллаштириш	Қалъан Поён	2022	км					2,5		375	375			375	ички йўллар
5	Ичимлик суви таъминоти					11	6	1			7 235,7	7235,7			7235,7	
1	Майдон МФЙ Шағаласун, Обиравон, Лабисой, А.Навойи ва Маданият кўчаларида 4 км ичимлик суви тармоғини тортиш	Майдон	2022 йил	км		4					1 060,0	1 060,0			1 060,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Шувар МФЙдаги ушбу маҳалладаги 1 та тик қудукни таъмирлаш ва 3 км ичимлик суви тармоғи тортиш	Шувар	2022 йил	к/м (160)		3		1			1 850,0	1 850,0			1 850,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Қайрма МФЙ ҳудудида 1 сув қудуги қазниш 1,5км ичимлик суви тармоқлари тортиш	Қайрма	2022 йил	к/м (160)		1,5					1 197,5	1 197,5			1 197,5	Ичимлик суви таъминоти
4	Хисорак МФЙ ҳудудида 6 км тоза ичимлик сув тармоғини асосий тармоққа улашни яқунлаш	Хисорак	2022 йил	км			6				1 666,2	1 666,2			1 666,2	Ичимлик суви таъминоти
5	Тоймас МФЙда 1 та сув иншооти қуриш ва 2,5 км ичимлик суви тармоғи тортиш	Тоймас	2022 йил	км		2,5					1 462,00	1 462,00			1 462,00	Ичимлик суви таъминоти
4	Электр энергияси таъминоти					1,33	0,83			29	640,0	640			640	

1	Богормос МФЙ худудидаги Янгибулок кўчасига 1 та 400 кВлик трансформатор ўрнатиш, 0,67 км янги тармоқ тортиш	Богормос	2022 йил	дона		0,67				1	160,0	160,0			160,0	Электр энергияси таъминоти
2	Боғи Эрам МФЙ худудидаги Боғ кўча кўчасига 1 та 400кв трансформатор ва 14 дона бетон столбалар, У.Юсупов кўчасига 1 та трансформатор ва 10 дона бетон столбалари ўрнатиш, 0,83 км тармоқни реконструкция қилиш	Боғи-эрам	2022 йил	дона		0,83				26	200,0	200,0			200,0	Электр энергияси таъминоти
3	Дўзанда МФЙ да 1 дона кўшимча трансформатор ўрнатиш, 0,33 км янги тармоқ торти	Дўзанда	2022 йил	дона		0,33				1	140,0	140,0			140,0	Электр энергияси таъминоти
4	Хўжаобод МФЙ худудидаги 1 дона 250 кВ ли трансформаторни реконструкция қилиш, 0,33 км янги тармоқ тортиш	Хўжаобод	2022 йил	дона		0,33				1	140,0	140,0			140,0	Электр энергияси таъминоти
1	Мақтабгача таълим ташкилоти							1,0			1 760,0	1 760,0			1 760,0	
1	Истиклол МФЙ худудидаги 36-сонли МТТ худудида кўшимча 60 ўринли бино қуриш	Истиклол	2022 йил	ўрин				1			1 760,0	1 760,0			1 760,0	Мақтабгача таълим ташкилоти
15	Янгиқўрган тумани					16,9		4			11 235,0	11 235,0			11 235,0	
5	Ички йўллар					10,4					5 715,0	5 715,0			5 715,0	
4	Ичимлик суви таъминоти					3,0					4 170,0	4 170,0			4 170,0	
	Оқава сув таъминоти															
3	Электр энергияси таъминоти					2,5		1,5			350,0	350,0			350,0	
	Газ таъминоти															
2	Умумтаълим мактаблари							2,0			900,0	900,0			900,0	
	Мақтабгача таълим ташкилоти															
	Спорт объектлари															
	МФЙ идоралари															
1	Бошқалар					1,0					100,0	100,0			100,0	
	Жўмладан,															
5	Ички йўллар					10,4					5 715,0	5 715,0			5 715,0	
1	Нов МФЙ худудидаги Шаршара кўчасига 1,5 км ички йўллари цементбетон қоплама ётқизиш	Нов	2022	км		1					900,0	900,0			900,0	ички йўллар

2	Октепа МФЙ худудидаги Эгартош кўчасини 1 км қисмини асфалтлаш ва 1 км қисмини шағаллаш ҳамда Миробод кўчасида 2 км йўлни шағаллаш	Октепа	2022	км		1					1 050,0	1 050,0			1 050,0	ички йўллар
3	Водий МФЙдаги Ёғду кўчасини 1,2 км ва Сарбаланд кўчасини 1,7 км жами 2,9 км ички йўлларини асфалтлаш	Водий	2022	км		2,9					1 740,0	1 740,0			1 740,0	ички йўллар
4	Зарбдор МФЙ худудидаги Зарбдор, Бинокор ва Камалак кўчаларининг 3 км қисмини асфалтлаш	Зарбдор	2022	км		3					1 650,0	1 650,0			1 650,0	ички йўллар
5	Бунёдор МФЙдаги Зарафшон ва Фидокор кўчаларига 2,5 км шағаллаштириш	Бунёдор	2022	км/та		2,5					375,0	375,0			375,0	ички йўллар
4	Ичимлик суви таъминоти					3,0					4 170,0	4 170,0			4 170,0	
1	Мўғол МФЙдаги Т.Юнусов кўчасида 1 та тик қудук казиш, ички тармок	Мўғол	2022 йил	та		1					900,0	900,0			900,0	Ичимлик суви таъминоти
2	Сой бўйи МФЙ худудида 1 дона тик қудук казиш, ички тармок	Сойбўйи	2022 йил	та		1					900,0	900,0			900,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Дўстлик МФЙ Дўстлик кўчасига 1 та тик қудук казиш, ички тармок	Дўстлик	2022 йил	та		1					900,0	900,0			900,0	Ичимлик суви таъминоти
4	Бунёдор МФЙдаги Зарафшон ва Фидокор кўчаларига 1 та тик қудук ва 2,5 км тармок тортиш	Бунёдор	2022 йил	км/та		2,5 1					1 470,0	1 470,0			1 470,0	Ичимлик суви таъминоти
3	Электр энергияси таъминоти					2,5		2			350,0	350,0			350,0	
1	Оқтом МФЙдаги Оқтом-2 ва Оқтом-3 кўчаларига 1,5 км электр тармогини мукамал таъмирлаш	Оқтом	2022 йил	км				2			105,0	105,0			105,0	Электр энергияси таъминоти
2	Ғалаба МФЙдаги Ғалаба, Улуғнор ва Хаётбахш кўчаларига 1,5 км электр тармоғи қуриш, 1 км тармок ва 1 дона трансформаторни мукамал таъмирлаш	Ғалаба	2022 йил	км/та		2,5 1					125,0	125,0			125,0	Электр энергияси таъминоти
3	Машғал МФЙдаги Машғал, Машғал 2 ва Машғал кўчаларидаги 2,5 км электр тармогини мукамал таъмирлаш	Машғал	2022 йил	км		2,5					120,0	120,0			120,0	Электр энергияси таъминоти
2	Умумтаълим мактаблари							2			900,0	900,0			900,0	

1	Боғистон МФЙ худудидаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини мукамал таъмирлаш	Боғистон	2022 йил	та				1			400,0	400,0			400,0	умумтаълим мактаблари
2	Бешбулок МФЙда жойлашган 50-умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини реконструкция қилиш зарур	Бешбулок	2022 йил	та				1			500,0	500,0			500,0	умумтаълим мактаблари
1	Бошқалар					1,0					100,0	100,0			100,0	
1	Баркамол кўчасидаги Наманган Янги кўргон магистрал йўлини 3 чи км сидан фукаралар ҳамда ўқувчиларни партибга солувчи светофор ўрнатиш	Баркамол МФЙ	2022 йил	км/та			3 1				100,0	100,0			100,0	Бошқалар

Ушбу йиғма параметрлар объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**2022-2023 ЙИЛЛАРДА МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА**

Республика ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан 9 370 та маҳаллада аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи энг долзарб масалалар ўрганилганлиги ва ҳудудлар кесимида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари (кейинги ўринларда — Дастурлар) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини тизимли ва режали амалга ошириш мақсадида:

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг йиғма параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари ижросини мувофиқлаштириш юзасидан Республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби **2-иловага** мувофиқ;

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурларини амалга ошириш юзасидан ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ҳудудий ишчи гуруҳлар) раҳбарлари рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳига (А.Ж. Раматов) Дастурларнинг йиғма параметрларига, зарур ҳолларда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларида муҳокама қилиб, тасдиқласин.

4. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб:

ички автомобиль йўллари бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги буюртмачи ташкилотлар;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектлари бўйича — «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» унитар корхонаси;

электр энергияси ва газ таъминоти объектлари ҳамда алоқа тармоқлари бўйича — тегишинча «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК;

ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ободонлаштириш ва тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари ва бошқа объектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

хузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ҳамда ушбу объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари бўйича — тегишли тармоқ корхоналари белгилансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзсувтаъминот» АЖ ва бошқа буюртмачи ташкилотлар 2022 йил 15 ноябрга қадар Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар)нинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Дастурлар доирасида:

қурилиш-таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари хузуридаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармалари орқали молиялаштирилади. Бунда, маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетларaro трансфертлар сифатида ажратилади;

2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмайди ва ушбу маблағлар 2023 йилда Дастурларда назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш учун мақсадли йўналтирилади;

ажратилган маблағлар лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан аниқланган ишлар ҳажмини молиялаштиришга етишмаган тақдирда, қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади;

молиялаштириш учун қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

7. Дастурларни амалга ошириш доирасида:

бош лойиҳачи ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали ҳамда объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари учун жалб этиладиган ташкилотлар белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларга, истисно тариқасида, қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов (аванс) амалга оширишга рухсат берилсин.

8. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Молия вазирлиги Дастурлар доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш ва амалга ошириш мақсадида:

2022 йил 15 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари хузуридаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармаларига жами 1,7 триллион сўм миқдорида маблағларни ўтказиб берсин;

келгусида, эҳтиёжга қараб, ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун қўшимча 1 триллион сўм миқдорида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Дастурлар доирасида ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимли назорат қилиш ҳамда кредитор қарздорликлар юзага келишига йўқ қўймаслик юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Белгилансинки:

туман (шаҳар) секторлари ва бошқа ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб боради;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари Дастурлар ижро этилиши ҳолатининг мунтазам муҳокама қилинишини ва масъул раҳбарларнинг тегишли ҳисоботлари эшитиб борилишини таъминлайди;

Дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича давлат қабул комиссиялари таркибига маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари киритилади ва бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ва сифати бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилади.

11. Ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда маҳаллалар кесимида алоҳида режа-жадвалларни тасдиқлаб:

ҳар ҳафта жойларга чиққан ҳолда маҳаллаларда амалга ошириладиган ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил қилинишини назоратга олсин, шунингдек, долзарб муаммолар ҳал этиладиганлиги юзасидан аҳолига батафсил тушунтириш ва ташвиқот ишларини ташкил этсин;

маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳолатини, бу борада аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тизимли ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Республика ишчи гуруҳига таклифлар киритиб борсин.

12. Республика ишчи гуруҳи (А.Ж. Раматов):

Дастурлар ижросини ва Ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект)нинг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш, кечикаётган лойиҳа (объект)ларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва аниқладиган муаммоли масалаларни тизимли ҳал этиш чораларини кўрсин;

ҳар ойда Дастурлар ижросини танқидий муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

13. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар устидан қуйидаги назорат тизими йўлга қўйилсин:

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

Давлат молиявий назорати инспекцияси Дастурлар доирасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан тизимли давлат молиявий назоратини амалга оширади;

Бош прокуратура жойларда Дастурларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқирилиши, ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатади;

маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишларнинг ҳолати, сифати ва қўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади.

Бош прокуратура икки ҳафта муддатда мазкур қарор доирасида ҳамда ташаббусли бюджетлаштириш асосида молиялаштириладиган лойиҳалар (объектлар)ни амалга ошириш жараёнлари самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада давлат ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва ислоҳотларнинг натижаларини кенг ёритиб бориш бўйича мақолалар, мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилиш, унинг натижадорлигини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 октябрь,
ПҚ-408-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПКҚ-408-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга
ошириладиган тадбирларнинг
ЙИҒМА ПАРАМЕТРЛАРИ**

млрд сўм

Т / р	Худудлар	Маҳаллалар сони (бирлик)	Жамитадбирлар		шу жумладан, йўналишлар кесимида																		2022 йил учун молиялаштириш хажми
					ички йўллар		ичимлик сув таъминоти		оқова сув таъминоти		электр энергияс и таъминоти		газ таъминоти		умумтаълим мактаблари		мактабга ча таълим ташкилотлари		спорт объектлари		бошқалар		
			объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	объект сони	қиймати	
	Жами	5 284	6 007	7 046,8	2 602	3 828,1	1 848	2 282,1	91	122,5	498	120,9	72	49,2	53	33,0	33	24,6	74	37,0	736	549,4	2 700,0
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	252	259	293,7	116	150,5	60	99,9	1	0,5	13	3,0	9	0,8					14	7,7	46	31,3	112,5
2.	Андижон вилояти	473	527	581,1	173	314,8	272	250,9	9	3,4	30	6,4	23	1,4	7	2,9	1	0,03			12	1,3	222,6
3.	Бухоро вилояти	408	413	843,6	341	772,0	21	43,0			8	1,9			4	1,1	1	0,6	2	6,6	36	18,3	323,2
4.	Жиззах вилояти	159	184	453,0	57	175,4	78	163,2	3	6,3	8	1,9	6	21,7	2	1,2	1	0,3			29	83,1	173,6
5.	Қашқадарё	511	621	528,6	301	313,7	148	140,2	3	1,0	48	12,4	8	0,9	9	2,3	3	4,2	2	3,0	99	50,9	202,6

	ВИЛОЯТИ																						
6.	Навоий вилояти	211	295	397, 7	127	197, 6	70	148, 6			10	3,2			4	0,5			13	1,4	71	46,4	152,4
7.	Наманган вилояти	328	377	477, 8	94	208, 6	134	196, 0	9	18,3	52	8,9			3	1,4	2	3,4	6	3,2	77	38,2	183,1
8.	Самарқанд вилояти	585	588	394, 9	296	251, 8	178	105, 8	11	6,3	51	10,1	5	0,6			5	3,8	13	4,8	29	11,8	151,3
9.	Сурхондарё вилояти	438	532	423, 2	207	234, 7	194	133, 6	2	3,2	58	14,8	8	3,0	8	7,7	6	1,7	2	0,8	47	23,9	162,2
10.	Сирдарё вилояти	122	158	137, 1	41	52,5	49	52,1	8	3,1	21	5,6	7	6,7					3	0,7	29	16,5	52,5
11.	Тошкент вилояти	712	964	1057, 1	329	397, 4	376	507, 3	13	25,2	88	25,1	2	0,3	5	2,4	9	7,2	12	4,1	130	88,2	405,0
12.	Фарғона вилояти	716	719	1107, 8	371	595, 5	214	390, 9	21	39,5	47	13,9	1	4,8	8	11,1	4	2,5	3	1,1	50	48,5	424,5
13.	Хоразм вилояти	302	303	189, 5	133	114, 7	49	34,5	4	6,2	59	10,7			2	0,9					56	22,5	72,6
14.	Тошкент шаҳри	67	67	161, 5	16	49,1	5	16,1	7	9,6	5	3,0	3	9,0	1	1,5	1	0,9	4	3,7	25	68,5	61,9

** ушбу йиғма параметрлар объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари ижросини мувофиқлаштириш
юзасидан республика ишчи гуруҳи**

ТАРКИБИ

А. Раматов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, *Республика ишчи гуруҳи раҳбари*
Лавозими — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари

бўйича

Э. Юлдашев — Бош прокурор ўринбосари
Ў. Жуманов — Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари
Т. Ишметов — молия вазири
Б. Закиров — қурилиш вазири
Ш. Хидоятлов — уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири
Б. Саидов — халқ таълими вазири
А. Шин — мактабгача таълим вазири
Б. Мусаев — соғлиқни сақлаш вазири
Н. Холмуродов — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари
А. — энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
Ахмедходжаев
А. Бобоев — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари
А. Турсунов — маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари
Н. — Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
Обломурадов
А. Абдувалиев — Автомобиль йўллари қўмитаси раиси
С. Саифназаров — «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқаруви раиси в.б.
У. Мустафоев — «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси
Б. Эшмурадов — «Худудгазтаъминот» АЖ бошқаруви раиси
М. Жуманиязов — Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудирининг биринчи ўринбосари, *Республика ишчи гуруҳи котиби*

Изоҳ.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Республика ишчи гуруҳи ўзига юклатилган вазифаларни бажариши мақсадида, зарур ҳолларда, бошқа тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда вакилларини жалб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сон қарорига
З-ИЛОВА

**2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурларини амалга ошириш юзасидан
худудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари**

РЎЙХАТИ

Худудлар

Ишчи гуруҳ раҳбарлари

Қорақалпоғистон
Республикаси

Андижон вилояти

Бухоро вилояти

Жиззах вилояти

Қашқадарё вилояти

Навоий вилояти

Наманган вилояти

Самарқанд вилояти

Сурхондарё вилояти

Сирдарё вилояти

Тошкент вилояти

Фарғона вилояти

Хоразм вилояти

Тошкент шаҳри

Б. Абидов — инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари

Б. Рахимов — инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари

О. Рустамов — инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари

Х. Тешабаев — инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари

И. Норқулов — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари

А. Мирсоатов — «Миллий банк» АЖ бошқаруви раиси

Ж. Абруев — молия вазири ўринбосари

О. Исаков — молия вазири ўринбосари

С. Аннакличев — «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви раиси

Д. Султанов — молия вазири ўринбосари

О. Насритдинходжаев — молия вазирининг биринчи ўринбосари

М. Убайдуллаев — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори

Н. Холмуродов — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари

Л. Кудратов — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари

(Бектемир, Мирзо Улугбек, Чилонзор, Шайхонтохур, Юнусобод ва Яшнобод туманлари бўйича)

Ш. Кудбиев — Давлат солиқ қўмитаси раиси

(Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Яккасарой ва Янгиҳаёт туманлари бўйича)

Изоҳ.

Худудий ишчи гуруҳлар аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг таркибига мазкур лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Худудий ишчи гуруҳлар ўзига юклатилган вазифаларни бажариши мақсадида, зарур ҳолларда, бошқа тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари билан жалб қилиши мумкин.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.10.2022 й., 07/22/408/0954-сон)